

Эр-хотиндан ташаккурнома



17:00 / 30.11.2021 2757

Оила бузилишининг баъзи сабаблари ва уларнинг муолажаси ҳақида сўз юритишда албатта, ҳаётимизда бўлиб турган ҳолатлар эътиборидан сўз бориши турган гап. Оилаларимизнинг мустаҳкамлиги учун қайғуриш бурчимиз эканини англаб етиш ва бу борада қўлимиздан келган чоратadbирларни кўриш ҳар биримизнинг вазифамиздир.

Бу борада биринчи ўринда турадиган омил оилавий ҳаёт, эр-хотин ораларидаги муносабатлар ва оила юритиш бўйича маданиятнинг етишмаслиги бўлса керак. Тўғриси айтиладиган бўлсак, ўсиб келаётган ёшларга, бўлғуси келин-куёвларга турмуш маданиятини ўргатиш умуман йўлга қўйилмаган.

Яқинда интернетдаги савол-жавоб бўлимига бир мактуб келди. Мактуб соҳибаси ўзининг келин бўлганига икки ой муддат ўтгани, тўйдан кейин

куёв билан ўзлари алоҳида яшаётганларига қарамай, орада тинмай жанжал бўлаётгани, нима қилишини билмай, маслаҳат сўраб, бизга мактуб ёзаётганини битган. Бунга ўхшаш ҳолатлар ҳар қадамда учрайди. Минг афсуслар бўлсинки, кўпчилик келин-куёвлар тўйдан кейин ўз хоналарида ёлғиз қолганларида, улар билан бирга оилавий ҳаёт ҳақидаги олинган асосли, ҳидоятли таълимотлар эмас, кўча-кўйда эшитган узук-юлуқ ҳашаки маслаҳатлар қолади.

Жамиятимизда келин-куёвликка номзод ёшларимизни оилавий ҳаётга тайёрлаш ишларини тартиб билан, керакли ҳажм ва савияда йўлга қўйишимиз жуда ҳам зарур. Бу масалада уламоларимиз ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшишлари керак. Бошқа соҳаларнинг мутахассислари ҳам ўз йўналишлари бўйича керакли ҳаракатни қилишлари, чора-тадбирларни кўришлари лозим. Бу борада таълим ва маслаҳатлар тақдим қилувчи ўқув марказлари кўпайса, яна ҳам яхши бўлади.

Албатта, оилани қуриш, уни тутиш қай тарзда амалга оширилиши, оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари қандай бўлиши кераклиги ва бошқа зарур нарсалар ҳақидаги динимиз таълимотларини олдиндан билиб, уларга ихлос билан амал қилиш ҳар бир мўмин-мусмон учун, унинг бахт-саодати, оиласининг мустаҳкамлиги учун шартдир. Оилавий нохушликлар ва муаммоларнинг асли негизи ўша таълимотлардан беҳабарлик ёки уларга амал қилмасликдир.

Бир қанча муддат илгари интернетдаги саҳифамизга мактуб келди. Бир бирдодаримиз салом-алик ва миннатдорчилик сўзларидан кейин қуйидагиларни ёзибди.

«Биз – эр-хотин ажрашишга қарор қилиб, керакли ерларга аризамизни топшириб қўйган эдик. Иттифоқо, сизларнинг саҳифангизни очиб, оила рукнига кўзим тушиб қолди. Ундаги маълумотларни ўрганганимдан кейин ўзимнинг мусулмон эр эмаслигимни тушуниб етдим. Аста-секин ўзимни ўнглашга киришдим. Мендаги ўзгаришларни кўрган аёлим бунинг сабабини сўради. Унга саҳифани очиб, кўрсатдим. У ҳам оила рукнини ўқиганидан сўнг хатоларини тушуниб етди ва ўзини ўнглашга киришди. Энди эса, бизлардан бахтиёр оила йўқдай. Ҳозир иккимиз бирга ўтириб, сизларга ташаккурнома ёзмақдамиз».

Албатта, ҳар бир нарсани тушуниб етиб, билим асосида олиб бориш кўп яхшиликларнинг манбаси бўлади. Оила, эр-хотинлик муносабатлари жуда

ҳам нозик нарсалар экани ҳаммага маълум. Шунинг учун бу муносабатларга жиддий қарашимиз ва уларни юқори савияда тутишга ҳаракатда бўлишимиз лозим. Айнан шунинг учун ҳам фарзандларимизни оилавий ҳаётга ёшликларидан ўргатиб боришимиз, бу борада моддий тарафларига эътибор бериб, маънавий тарафларини унутиб қўймаслигимиз зарур.

«Бахтиёр оила» китоби асосида тайёрланди